

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ



**«ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ»**  
**фанидан намунавий**  
**ДАСТУР**  
**(бакалавр йўналиши учун)**

ТОШКЕНТ - 2004

65.9(54)

Ушбу дастур «Иқтисодиёт назарияси» фанидан бакалавриат тала-  
баларининг зарурий тайёргарлик даражаси ва билимлари мазмунига  
қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган. Малакавий талаблар бака-  
лавр талабаларининг фан бўйича қандай тасаввурга эга бўлиши, нима-  
ларни билиш кераклиги, қандай кўнижмалар ҳосил қилиши лозимлигини  
ўз ичига олади.

Ушбу намунавий дастурдан шу фанга оид ишчи ўқув дастури,  
йиллик тақвим режаларини, тематик дастурларини, дарслик ва ўқув-  
методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш учун тавсия этилади.  
Намунавий дастурни келажакда тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп  
этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қўйидаги  
манзилга юборишингизни сўраймиз:

**Тошкент шаҳар, 700070, Шота Руставели кўчаси 25, ОЎМКҲТРМ**  
**«маънавият ва матърифат» бўлими, тел: 136-39-20.**

**Наширга тайёрловчи масъуллар: проф. Нишоналиев У., Ҳамдамова М. З.**


**Тузучилар:** и.ф.д., проф. Шодмонов Ш. Ш., и.ф.н., доц. Жўраев Т.  
Т., доц. Романовский Г. М.

**Такризчилар:** и.ф.д., проф. Ўлмасов А. Ў., и.ф.н., доц. Зияев Т. М.

“Иқтисодиёт назарияси” фани бўйича мазкур дастур Ўзбекистон  
Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш  
миллий дастурининг иккинчи босқичи ва олий ўқув юртларида бакалавр  
даражасидаги мутахассислар тайёрлаш талабларини ҳисобга олиб  
тузилган.

Ушбу ўқув дастури умумий таълим мактабларининг 8-9-  
синфларида ўқитиладиган “Иқтисодий билим асослари” академик  
лицеилар ва ўрта маҳсус қасб-хунар коллежларида ўқитиладиган  
“Иқтисодиёт асослари” курсларининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Дастурга иқтисодиётнинг умумий асослари, бозор иқтисодиёти  
назарияси, микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт даражасида амал  
қиласидиган иқтисодий муносабатларга ҳамда жаҳон бозори муаммоларига  
тегишли мавзулар киритилган.



W

10 31122  
091

## 1. СҮЗ БОШИ

### 1.1. Фан мазмунига қўйиладиган малакавий талаблар

**Бакалавр «Иқтисодиёт назарияси» фани бўйича:**

Жамиятдаги иқтисодий муносабатлар ва ҳодисалар, иқтисодий - назарий билимларни ўрганишда қўлланиладиган усуллар ҳақида; - иқсодий ҳаётни, жараёнларни, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилиш усуллари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши керак.**

- Иқтисодиёт назарияси асосларини, бозор муносабатларини;
- миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва ривожланиши қонуниятларини;
- макроиқтисодий даражадаги вазиятларни;
- молия-кредит, социал, инвестицион, аграр сиёсатларнинг моҳиятини;
- интеграцион жараёнларни **билиши керак.**
- иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш;
- иқтисодиётнинг асосий жорий муаммоларини мўлжалга олиш учун зарур бўлган маълумот(ахборот)лар тўплаш ва улардан фойдаланиш;
- тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш, ривожлантириш кўникмаси (**тажрибаси**)га эга **бўлиши ва фойдалана олиши керак.**

## 2. УМУМИЙ ТАВСИФ

2.1. “Иқтисодиёт назарияси” фанининг мазкур дастури Ўзбекистон Республикасининг «Тайлим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ҳамда давлат стандартлари бўйича бакалавр даражасидаги малакали иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш талабларидан келиб чиқиб тузилган.

Шу мақсаддан келиб чиқиб, фанни ўқитишда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилади:

- талабаларни, иқтисодий билимларга қизиқувчиларни назарий билимлар, иқтисодий мушоҳада қилиш усуллари билан куроллантириш;

- уларнинг иқтисодиёт қонун-қоидаларини, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар мазмунини янада теран ва чукур мантиқий мушоҳада қилиш учун зарур бўлган услубий ёндашувларни эгаллашига эришишда кўмаклашиш;

- талабалар онгига миллий истиқлол ғоясини ва миллий мафкуранинг асосий қоидаларини ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш асосида ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиётини вужудга келтиришнинг долзарб муоммоларини сингдириш;

- иқтисодиёт ва иқтисодий муносабатлар тўгрисида амалий кўнікмаларни ҳосил қилиш.

## 2.2. “Иқтисодиёт назарияси” фани бўйича талабалар:

- иқтисодий билимларни ўрганиш услубияти, қўлланиладиган усуллар ва ҳодисалар, реал иқтисодий ҳаётни, иқтисодий жараёнларни, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилиш усуллари ҳақида тассавурларга эта бўлиши;

- иқтисодий қонунларни, илмий тушунчаларни (категорияларни) иқтисодий муоммолар бўйича қабул қилинган қонунлар ва қарорларни билиши ва ҳаётда қўллай олиши лозим

2.3. “Иқтисодиёт назарияси” фани бўйича талабалар билимига кўйиладиган умумий талаблар, дастурга киритилган ҳар бир мавзудаги муаммоларни ўзлаштириш ва улар бўйича мустақил фикр юритиш даражаси билан белгиланади. Бу дарслик ва ўқув қўлланмалар характеристидаги адабиётларни ўзлаштириш билан бирга, Президентимиз И. Каримов асарларини, Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган иқтисодиётта тегишли қонунларни ва Вазирлар Маҳкамаси чиқарган меъёрий ҳужжатларни ўрганишини ҳам тақозо қиласди.

2.4. “Иқтисодиёт назарияси” давлат стандартлари бўйича бакалаврлар даражасидаги иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш ўқув режасига киритилган барча иқтисодий фанлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг назарий ва услубий асосини ташкил қиласди. Шу билан бирга иқтисодиёт назарияси фани ўз ривожида аниқ йўналишдаги иқтисодий фанлар (молия-кредит, банк иши, солиқ ва солиқса тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, сугуртга ва божхона иши ва ҳ.к.) дан ҳам озуқа олади. Иқтисодиёт назарияси тадқиқот усуллари бўйича бошқа ижтимоий (фалсафа, тарих, ҳуқуқшунослик,

социология, сиёсатшүғослиқ) фанлари билан ҳам мустаҳкам боғлиқидир.

2.5. Намунавий дастур доирасида “Иқтисодиёт назарияси” ни ўқитиш турли техник воситалардан фойдаланишни, тарқатма материаллар тайёрлашни ва ўқув жараённида күргазмали күлланмалар ва куролларни қўллашни тақозо этади.

2.6. “Иқтисодиёт назарияси” бакалаврлар тайёрлаш даврининг биринчи босқичида, дастлабки ўқув йилининг икки семестри давомида ўқитилади. Талабаларнинг фанни ўзлаштириш даражаси рейтинг тизими орқали жорий оралиқ ва якуний назорат ёрдамида баҳоланиб борилади (якуний назорат ёзма иш шаклида амалга оширилади). Ўқув режаси бўйича талабалар ушбу курсни ўқитишнинг охирги семестрида ташланган мавзу бўйича курс ишларини бажариши ҳам ҳисобга олинади.

### 3. ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

3.1 “Иқтисодиёт назарияси” фанининг намунавий дастури мазмунан тўрт бўлимдан иборат. I бўлим иқтисодий ривожланишининг умумий асосларига бағишлиданади. II бўлимга бозор иқтисодиёти назариясига тегишли мавзулар киритилади. III бўлимда миллий иқтисодиёт (макроиктисодиёт)нинг амал қилиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш назарда тутилади. IV бўлим жаҳон хўжалиги, Ўзбекистоннинг улар билан алоқалари ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий тамойиллари каби муоммоларни қамраб олади.

3.2. Амалий машғулот мавзулари намунавий дастур асосида тузиб чиқилиб ҳар бир мавзу режасига киритилган саволлар ва тавсия қилинган адабиётлар рўйхати билан бирга алоҳида услубий кўлланма шаклида кўпайтирилади. Семинар мавзуи режасидаги саволлар дастур доирасида тузилиб, маърузада баён қилинадиган масалалар билан мазмунан бир хил бўлса-да, шаклан уларни такрорламайди.

3.3. Компьютер хоналаридан ва ўқитишнинг бошқа техник воситаларидан фойдаланиб ўтказиладиган лабаратория машғулотларининг мавзуи уларнинг характеристиридан келиб чиқиб, ўқитувчи томонидан мустақил белгаланади.

3.4. Курс ишларининг мавзулари намунавий дастур асосида аниқланиб, уларни бажариш бўйича услубий маслаҳатлар ва адабиётлар рўйхатини ҳам ўз ичига олган мустақил услубий кўлланма сифатида тайёрланади.

3.5. “Иқтисодиёт назарияси” фани бўйича намунавий дастур талабаларнинг аудиториядан ташқарида мустақил ишлашларини ҳам ҳисобга олади. Ўқитувчи ҳар бир мавзуга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб, мустақил ўрганиладиган масалаларни талабалар эътиборига ҳавола қилиб, уларнинг бажарилишини ўз назорати остига олади.

3.6 Мустақил ишлар семинар машғулотлар режасига кўшимча сифатида киритилган мавзулардан реферат ёзиш ва биринчي маёнбаларни конспект қилиш шаклида амалга оширилади.

3.7 Дастурга киритилган мавзуларга ўкув соатлари ҳар бир олий ўкув юртида ўкув режасида фанга ажратилган умумий юкламадан келиб чиқиб белгиланади.

#### 4. ДАСТУРНИНГ АХБОРОТ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ

4.1 Намунавий дастурдаги ҳар бир мавзуга фойдаланиладиган асосий адабиётлар рўйхати илова қилинган. Улар Президентимиз И. Каримовнинг мавзуга тегишли асарларини, иқтисодиёт назарияси бўйича анча оммалашган дарслик ва ўкув қўлланмаларини ўз ичига олади. Бунда адабиётлар рўйхатини дастур чоп қилингандан кейин эълон қилинган янги адабиётлар билан тўлдириб бориш тавсия қилинади.

4.2 Мавзуга тавсия қилинган қўшимча адабиётларни ўрганиш талабаларнинг мустақил ишлаш талабларини ҳам ҳисобга олиб, уларда шакллантирилган назарий билимларни янада тўлдириш ва чуқурлаштириш имкониятини беради.

4.3 Иқтисодиёт назариясини ўқитища информацион техник воситаларни қўллаш олий ўкув юртлари ва кафедралар моддий-техника негизи имкониятларидан келиб чиқиб аниқлаб борилади.

#### 4.4. “Иқтисодиёт назарияси” курсининг тузилиши

№	Бўлим ва мавзулар	Маъруза	Семинар
1	2		
<b>1-бўлим. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ</b>			
1.	Иқтисодиёт назарияси фанинг предмети ва билиш услублари	2	2
2.	Ишлаб чиқариш жараёни мазмуни, омиллари, натижалари	2	2

3.	Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари	2	2
<b>II-бўлим. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ</b>			
4.	Товар-пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг асосидир	2	2
5.	Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари. Бозор ва унинг тузилиши	2	2
6.	Бозор иқтисодиётига ўтиш даври. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва хусусиятлари	2	2
7.	Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати	2	2
8.	Ракобат ва нархнинг шаклланиши	2	
9.	Тадбиркорлик фаолияти ва унинг шакллари.	2	2
10.	Тадбиркорлик капитал ва унинг айланishi	2	
11.	Корхона (фирма) сарф-ҳаражатлари ва фойдаси	2	2
12.	Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари	2	2
13.	Аграр муносабатлари ва агробизнес	2	2
<b>III-бўлим. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ (МАКРОИҚТИСОД)НИНГ АМАЛ КИЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ</b>			
14.	Миллий иқтисодиёти на унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари.	2	2
15.	Ялпи талаб ва ялпи тақлиф	2	2
16.	Истеъмол, жам армаси ва инвестициялар	2	
17.	Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик	2	2
18.	Миллий иқтисодиётининг нисбатлари ва мувозанати	2	2
19.	Иқтисодиётининг цикллиги ва макроиқтисодий бекарорлик	2	2
20.	Ялпи ишчи кучи, унинг бандлиги ва ишсизлик	2	2
21.	Молия тизими ва молиявий сиёсат	2	
22.	Пул муомаласи ва инфляция	2	2
23.	Кредит-банк тизими ва унинг бозор иқтисодиётидаги роли.	2	2
24.	Бозор иқтисодиётини тартибланиши. Давлатнинг иқтисодий роли.	2	2
25.	Аҳоли даромадлари на давлатнинг ижтимоий сиёсати	2	
<b>IV-бўлим. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ</b>			
26.	Жаҳон хужалиги ва унинг ривожланиш қонуниятлари	2	2
27.	Жаҳон бозори. Халқаро валюта-кредит муносабатлари	2	
	<b>Жами:</b>	<b>54</b>	<b>42</b>

## I бўлим. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

### 1-мавзу. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА БИЛИШ УСУЛЛАРИ

Иқтисодиёт тушунчаси ва унинг бош масаласи. Эҳтиёжларниңг мазмуни, турлари ва чексизлиги. Иқтисодий ресурсларниңг мазмуни, турлари ва чекланганлиги.

Иқтисодий билимларниң шаклланиши ва ривожланиши қадимги Шарқ ва Farb халқларидағи иқтисодий ғоялар. Иқтисодиёт назариясиминг фан сифатида шаклланишидаги асосий оқимлар: меркантилизм, физократлар, Англия классик иқтисодий мактаби, марксизм ва маржинализм. Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясидаги асосий оқимлар.

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети. Иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар. Моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар.

Иқтисодий қонунлар ва категориялар (илмий тушунчалар). Иқтисодий қонунлар тизими.

Иқтисодий қонунлар ва жараёнларни илмий билишнинг диалектик қоидалари. Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш усуллари: илмий абстракция, индукция ва дедукция, эмпирик усул ва фаразлардан фойдаланиш. Микро ва макроиқтисодий таҳлил. Иқтисодий таҳлилда математик, статистик ва график усуллардан фойдаланиш. Позитив ва норматив усуллар.

Иқтисодиёт назарияси фанининг назарий ва амалий вазифалари, унинг бошқа ижтимоий ва иқтисодий фанлар билан чамбарчас боғлиқлиги. Иқтисодиёт назарияси – барча иқтисодий фанларниң услубий пойdevори ва давлат иқтисодий сиёсатининг илмий асоси эканлиги. Ҳозирги замон иқтисодий тафаккурининг шаклланишида, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини таҳлил қилиш ва билишда иқтисодиёт назарияси фанининг роли. Иқтисодиёт назарияси фанининг талаба ёшлар онгига илмий дунёқарашни шакллантиришда ва миллий истикол ғоясини сингдиришдаги аҳамияти.

## **2-мавзу. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ: МАЗМУНИ, ОМИЛЛАРИ ВА НАТИЖАЛАРИ**

Иқтисодий фаолият ва унинг турлари. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунни ва унинг иқтисодий асослари. Ишлаб чиқариш жараёни товарлар ва хизматлар ҳажмининг кўпайиши ва қиймат ўсиш жараёнларининг бирлигидан иборат эканлиги. Ишлаб чиқаришнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ўзаро боғлиқлиги. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг туркумланишига турлича ёндашув. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирининг ўрнини босити. Ишлаб чиқариш омилларидан тежамкорлик билан фойдаланиш.

Вақтни тежаш қонуни. Меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар. Ишлаб чиқариш функцияси. Қўшилган меҳнат ва капитал унумдорлигининг пасайиб, қўшимча харажатларнинг ўсиб бориш қонуни.

Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари. Ялпи маҳсулот. Оралиқ маҳсулот, қўшилган маҳсулот, соф маҳсулот. Зарурий ва қўшимча маҳсулот. Қўшимча маҳсулот меъёри ва массаси. Қўшимча маҳсулотни зарурлиги ва аҳамияти.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари. ФТТ ва ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасининг кенгайиши ҳамда такомиллашиши.

Ўзбекистон иқтисодий ресурслари имкониятларини (захираларини) умумий баҳолаш ва ундан тежаб фойдаланиш муоаммолари.

## **3-мавзу. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ВА МУЛҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ**

Ижтимоий - иқтисодиёт тараққиёт босқичларини билишга турили хил ёндашувлар технологик даражаси бўйича маданийлашиш даражаси ва социал тузилиш бўйича. Ишлаб чиқаришнинг технологик усувлари. Индустрисал ва постиндустриал ишлаб чиқариш.

Халкларнинг маданийлашган, ижтимоий адолатли жамиятга ҳаракат йўлларининг муқобиллиги ва кўп вариантлиги.

Иқтисодий тизим тушунчаси. Мулқчилик муносабатлари ва иқтисодий тизимларининг ички ўзаро боғлиқлиги. Иқтисодий тизим нусха (модел) лари: соф капитализм, маъмурий

бўйруқбозлиқ иқтисодиёти, аралаш иқтисодиёт, анъанавий иқтисодиёт.

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмuni: ўзлаштириш, эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш тушунчаларининг мазмuni. Мулкчиликнинг иқтисодий ва ҳукуқий жиҳатлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг турли-тумам шакллари. Давлат мулки; хусусий мулк; жамоа мулки ва аралаш мулк.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишда мулкчиликнинг ўрни ва роли. Мулкчилик шаклларини ўзgartириш усуллари: миллийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.

Ўзбекистон Республикасида мулкчиликни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг шакллари, йўллари ва усуллари.

## II бўлим. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ

### 4-мавзу. ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АСОСИДИР

Ижтимоий хўжалик шакллари. Натурал ва товар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг белгилари. Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиш ва ривожланиш сабаблари. “Маҳсулот”, “товар”, “хизмат” тушунчалари.

Товар ва унинг хусусиятлари. Товарнинг нафлиилиги ва айирбошланиш қобилияти (қиймати).

Товар қийматининг миқдори. Индивидуал ва ижтимомий-зарурӣ Меҳнат сарфлари. Меҳнат унумдорлиги ва интенсивигининг товар қиймати миқдорига таъсири.

Қиймат ва баҳо. Товар ва хизматлар қийматини тушунишнинг муқобиллиги. Кейинги қўшилган товар нафлиилиги назарияси (маржинализм).

Пулнинг келиб чиқиши ва мазмuni. Пул тўгрисидаги металистик, номиналистик ва миқдорий назариялари. Пулнинг асосий вазифалари: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғариш воситаси.

Хозирги замон пулининг табиати ва мазмuni. Ўзбекистонда миллий пул — сўмнинг муомалага киритилиши ва унинг аҳамияти. Бозор иқтисодиёти товар - пул муносабатлари ривожининг маҳсули эканлиги.

## **5-мавзу. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ. БОЗОР ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ**

Бозор иқтисодиётиниң мазмунин ва унинг ривожланиши. Бозор иқтисодиётиниң асосий белгилари. Бозор тизимининг ўз-ўзини тартибга солувчи механизми. Классик ва ҳозирги замон бозор иқтисодиёти, уларниң умумий томонлари ва фарқлари. Бозор иқтисодиётида: ресурслар, маҳсулотлар ва даромадлар доиравий айланиши. Бозор иқтисодиёти шароитида доимий муаммоларни ҳал қилиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари. Бозор иқтисодиётиниң афзалликлари ва зиддиятлари.

Бозорниң мазмунин ва унинг тузилиши. Бозорниң турлари. Бозорниң обьектлари ва субъектлари. Бозор инфратузилмаси ва унинг таркиби.

## **6-мавзу. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўтиш даври назарияси. Бозор иқтисодиётига ўтиш - ҳамма мамлакатларга хос умумий жараён. Маъмурӣ - буйруқбозлика асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишниң хусусиятлари. Ўтиш даври иқтисодиётиниң асосий белгилари. Бозор иқтисодиётига ўтишниң миллий андозалари. Бозор иқтисодиётига ўтишниң Ўзбекистон модели, унинг тамойиллари ва хусусиятлари.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш концепцияси ва стратегияси. Иқтисодий мустақилликни таъминлаш ва бозор муносабатларига ўтиш бўйича кўйилган вазифаларнинг бир йўла ҳал қилиниши. Иқтисодий ислоҳотларнинг босқичлари ва уларниң вазифалари. Ўзбекистонда ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётини эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари. Мулкчиликнинг янги шакллари ва мулкдорлар синфининг пайдо бўлиши.

Иқтисодиётда давлат ва надавлат секторлари нисбати. Рақобат муҳитининг яратилиши. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти инфратузилмаларининг яратилиши. Иқтисодиётда барқарорликни ва таркибий ўзғаришларни таъминлаш. Инвестиция муаммолари. Сўмниң барқарорлигини таъминлаш. Молия-кредит сиёсати. Аҳолининг табакаланишининг олдини олиш ва ижтимоий сиёсат. Бозор иқтисодиётига ўтиш ўзбек андозасининг қарор топиши.

## **7-мавзу. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ**

Талаб тушунчаси. Индивидуал талаб ва бозор талаби. Талаб миқдорининг ўзгарувчанлиги. Талаб эгри чизиги. Талаб миқдорига таъсир қилувчи омиллар: бозор баҳолари, истеъмолчи диди, истеъмолчи пул даромади, баҳолар ва истеъмолчи пул даромадлари ўзгаришининг кутилиши, ўрнини босувчи товарлар баҳоси. Харидорлар сонининг талаб ҳажмига таъсири. Талаб қонуни.

Таклиф тушунчаси.. Таклифнинг ўзгарувчанлиги. Таклиф эгри чизиги. Таклиф миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар: бозор баҳолари, ишлаб чиқариш ҳажми, ресурслар баҳоси, соликлар даражаси, ишлаб чиқарувчилар сони, ресурслар унумдорлиги, бошқа товарлар баҳоси, инфляциянинг кутилиши. Таклиф қонуни.

Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклифнинг хусусиятлари.

Талаб ва таклиф миқдорларининг мос келиши. Бозор мувозанати. Хусусий ва умумий мувозанат. Ўзбекистонда бозор мувозанатининг таъминланиши.

Истеъмолчи хулқи назарияси. Нафлийкни ошириш қоидаси. Баҳо ва даромадлар ўзгаришининг истеъмолчи таъловига таъсири.

## **8-мавзу. РАҚОБАТ ВА НАРХНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

Рақобатнинг моҳияти ва объектив асослари. Рақобат ва монополия назарияси. Рақобатнинг турлари: тармоқлараро ва тармоқ ичидаги рақобат, соф рақобат ва монополистик рақобат. Рақобатлашиш усуллари: нарх ёрдамида ва нархсиз рақобат. Ҳалол ва фирром рақобат. Монополия ва унинг турлари.

Давлатнинг монополияларга қарши тадбирлари. Ўзбекистон Республикасининг монополияларга қарши қонунчилиғи.

Нархнинг мазмуни ва унинг объектив асослари. Нарх тўғрисидаги турли назариялар. Бозор иқтисодиёти шароитида нархнинг турлари ва вазифалари.

Нарх шаклланишининг бозор механизми. Рақобатнинг турли шакллари шароитида нархнинг шаклланиш хусусиятлари. Нархнинг давлат томонидан тартибга солиниши. Ўзбекистонда давлатнинг нарх сиёсати.

## **9-мавзу. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ**

Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва асосий белгилари. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари: шахсий, шерикчилик асосидаги, жамоа ва давлат тадбиркорлиги. Бизнес фаолият: майда, ўрта ва йирик бизнес. Ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий соҳалардаги тадбиркорлик.

Корхона тадбиркорлик фаолиятининг асосий ва бошланғич бўгини. Корхоналар фаолиятининг ташкил қилиниши.

Акционерлик жамияти ва акционерлик капитали: ташкил қилиш ва фаолиятнинг асосий тамойиллари. Акция ва унинг турлари. Акция курси. Дивиденд даромади ва таъсисчилар фойдаси. Назорат пакети. Облигациялар. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида корхоналарни акционерлаштириш.

Менежмент — корхоналарни бошқариш тизими сифатида. Маркетинг, унинг вазифаси, принциплари ва аҳамияти.

## **10-мавзу. ТАДБИРКОРЛИК КАПИТАЛИ ВА УНИНГ АЙЛANIШИ**

Тадбиркорлик капиталининг моҳияти ва доиравий айланнишининг босқичлари. Тадбиркорлик капиталининг функционал шакллари: пул, унумли капитал ва товар.

Капиталнинг айланниши. Асосий ва айланма капитал. Капиталнинг айланниши тезлиги. Асосий капитални такror ишлаб чиқариш: жисмоний, маънавий ва иқтисодий эскириши ва қайта тикланиши. Амортизация ва унинг меъёри. Жадаллашган амортизация. Асосий ва айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари. Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

## **11-мавзу. КОРХОНА (ФИРМА) САРФ-ХАРАЖАТЛАРИ ВА ФОЙДАСИ**

Фирманинг сарф ҳаражатлари ва унинг турлари. Ишлаб чиқариш ҳаражатларининг мазмуни, таркиби ва турлари.

Кисқа ва узоқ муддатли даврда ишлаб чиқариш харажатлари. Доимий ва ўзгарувчи харажатлар. Ички ва ташқи харажатлар. Ўртача ва умумий харажатлар. Кейинги кўшилган харажатлар тушунчаси. Тижорат харажатлари, унинг турлари ва қопланиш манбай.

Корхона (фирма) нинг пул тушумлари ва фойдаси. Меъеридағи фойда, Иқтисодий фойда, омад фойдаси. Корхоналар фойдасини кўпайтириш йўллари. Фойда миқдорини кўпайтиришида моддий ресурсларни тежашнинг аҳамияти. Фойда меъёри ва массаси. Фойда меъерининг пасайиб бориш қонуни. Фойда меъёрига таъсир кўрсатувчи омиллар. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиши. Зарар тушунчаси. Зарар кўришнинг сабаблари. Корхоналарнинг банкрот бўлиши (синиши) ва санация қилиниши.

## **12-мавзу. ИШ ҲАҚИ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ**

Иш ҳақининг иқтисодий мазмuni. Номинал ва реал иш ҳақи. Реал иш ҳақининг даражаси ва ўзгаришга таъсир кўрсатувчи омиллар. Иш ҳақининг табакаланиши. Иш ҳақини ташкил қилиш шакллари ва тизимлари.

Рақобатнинг турли шаклларига (соф рақобат ва монополия) асосланган ишчи кучи бозорида (иш ҳақи ставкаси) нинг аниқланиши.

**Меҳнат муносабатлари.** Меҳнат шартномалари. Касаба уюшмаларининг тадбиркорлар ва давлат билан ўзаро муносабатлари. Жамоа шартномалари ва ижтимоий суғурта тизими.

Меҳнат низолари, унинг сабаблари ва бартараф қилиш усувлари. Ҳозирги замон “капитал-меҳнат интеграцияси” нинг мазмуми.

Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.

## **13-мавзу. АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА АГРОБИЗНЕС**

Аграр муносабатлар ва уларнинг бозор тизимидағи хусусиятлари. Ернинг ресурс сифатидаги ўзига хос хусусиятлари. Ер мулкчилик ва хўжалик юритиш обьекти. Ижара муносабатлари. Ижара ҳақи. Ер рентаси тушунчаси. Ер рентасининг турлари: Дифференциал рента, абсолют рента, монопол рента, ундирувчи саноат ва қурилиш участкаларидан рента. Рента тўловининг шакллари.

Ўзбекистонда ерга ягона солиқ ва уни рўёбга чикариш амалиёти. Ернинг баҳоси ва уни аниқловчи омиллар.

Агробизнес интеграцияси. Агробизнес ва унинг турлари. "Деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларни амалга ошириш, фермер ва деҳқон хўжаликтарини ривожлантиришининг давлат дастурлари.

### **III бўлим. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ (МАКРОИҚТИСОД) НИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

#### **14-мавзу. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ. ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ ВА УНИНГ ҲАРАКАТ ШАКЛЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва миллий иқтисодиётнинг шакланиши. Миллий иқтисодиётнинг мазмуни ва унинг тузилиши.

Макроиқтисодиёт тўғрисидаги асосий назариялар: классик, кейнсча, монетаристик, неоклассик назариялари. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар.

Миллий маҳсулотнинг иқтисодий мазмуни ва унинг ҳаракат шакллари. Ялпи ва ички миллий маҳсулот. Номинал ва реал ички миллий маҳсулот. Ички миллий маҳсулотнинг таркибий тузилиши. Соф миллий маҳсулот, миллий даромад ва шахсий даромад.

Миллий ҳисоблар тизими ва Ўзбекистоннинг унга ўтиши. ЯММ ҳисоблаш усуllibari.

Ялпи ички миллий маҳсулотни тақсимлаш муаммолари. Ялпи ички миллий маҳсулотни кўпайтириш омиллари. ЯММ ва атроф-муҳит.

Хуфёна иқтисодиёт, унинг ўлчамлари ва намоён бўлиш шакллари.

Ўзбекистонда ички миллий маҳсулотни кўпайтиришда иқтисодий ресурсларни тежашнинг аҳамияти.

#### **15-мавзу. ЯЛПИ ТАЛАБ ВА ЯЛПИ ТАКЛИФ**

Ялпи талаб тушунчаси. Ялпи талабнинг таркиби ва унинг микдорига таъсир этувчи омиллар. Ялпи талаб эгри чизиги.

Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар. Ялпи таклиф эгри чизиги.

Ялпи талаб ва ялпи таклиф нисбати. Ж. Б. Сей қонуни. Ялпи талаб ва ялпи таклиф эгри чизикларининг кесишиши. Бозорнинг тўйин ганлик даражаси. Тақчилликнинг иқтисодий табиати ва уни бартараф қилиш йўллари.

## 16-мавзу. ИСТЕЙМОЛ, ЖАМГАРМА ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Истеъмол ва жамғарманинг мазмуни. Соф миллий маҳсулотнинг тақсимланиши, истеъмол ва жамғарма фондларининг шаклланиши. Аҳоли даромадларининг табақаланиши ва истеъмол даражаси (Энгель қонуни).

Истеъмол ва жамғарма ўртасидаги оптимал нисбат. Истеъмол ва жамғаришга ўртача ва охирги мойиллик. Истеъмол ва жамғарма даражасини белгиловчи омиллар. Жамғаришнинг мазмуни ва унинг манбалари. Номинал ва реал жамғариш.

Инвестицияларнинг мазмуни ва вазифалари. Инвестицияларнинг манбалари ва тузилиши. Инвестициялар даражасини аниқловчи омиллар. Инвестицион фаоллик. Инвестициялашда таҳликани ҳисобга олиш. Инвестициялар самарадорлиги. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни таъминлаш ва унинг шарт-шароитлари.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда чет эл инвестицияларини жалб қулишнинг аҳамияти.

## 17-мавзу. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА МИЛЛИЙ БОЙЛИК

Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, мезонлари ва кўрсаткичлари. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари. Иқтисодий ўсишнинг мақсади, самарадорлиги ва йўналишлари.

Иқтисодий ўсишнинг омиллари. Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг иқтисодий ўсишга таъсири.

Миллий бойлик тушунчаси ва унинг тузилиши. Моддий-буюмлашган, табиий ва интеллектуал бойлик.

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятидан самарави фойдаланиш ва иқтисодий ўсиш муаммолари.

Иқтисодий ўсиш самарадорлигини таъминлашда табиий, моддий ва молиявий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишинг аҳамияти.

## **18-мавзу. ИҚТИСОДИЁТНИНГ НИСБАТЛАРИ ВА МУВОЗАНАТИ**

Иқтисодий мувозанатлик тушунчаси. Турғун ва муттасил ривожланиб борувчи мувозанатлик. Хусусий ва умумий мувозанатликлар.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва унинг иқтисодий мувозанатга таъсири. Иқтисодий нисбатлар ва уларнинг турлари. Тармоқлараро баланс ва унинг мазмуни.

Макроиқтисодий мувозанатлика эришишнинг бозор механизми.

Ишлаб чиқариш мувозанатли ҳажмини аниқлашнинг Кейнс моделидаги икки усули: а) ялпи сарфлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини таққослаш; б) жамғарма ва инвестицияларни таққослаш.

Иқтисодий мувозанатликин аниқлашда тармоқлараро баланс ҳамда даромад ва харажғаларни таққослаш усулларидан фойдаланиш.

Иқтисодиётда мультиплекатор самараси. Рецессион ва инфляцион фарқ. Миллий иқтисодиётнинг мувозанатлигига эришишда фискал сиёсатнинг роли.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини қайта қуриш жараёнинда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш муаммолари.

## **19-мавзу. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЦИКЛЛИГИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ БЕҚАРОРЛИК**

Иқтисодий ривожланишдаги номутаносибликлар ва уларнинг намоён бўлиш шакллари. Цикллилик — иқтисодий тараққиётнинг умумий шакли эканлиги. Иқтисодий циклнинг монетаристик, иқтисодий беқарорлик (ДЖ. Хикс) назариялари. Иқтисодий циклда мультиплекатор ва акселераторларнинг ўзаро таъсири.

Иқтисодий циклнинг фазалари. Циклик тебранишлар. Инвестициялар ва бозор конъюнктурасидаги тебранишлар. Инновацион — инвестицион цикллар. Миллий ва жаҳон хўжалигидаги цикллар. Давлат иқтисодий сиёсатидаги циклга қарши тадбирлар. Мувозанатли ишчани цикл ва сиёсий мақсадли цикл назариялари. Иқтисодий инқироз мазмуни, унинг моддий асоси, сабаблари ва турлари.

Таркибий инқирозлар ва иқтисодиётдаги таркибий силжишлар. Н. Д. Кондратьевнинг “узун түлқинлар” назарияси

ва унинг ҳозирги замон талқини. Аграр инқирозлар ва унинг хусусиятлари.

Ўзбекистонда инқирозли жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ва уни бартараф этиш йўллари.

## **20-мавзу. ЯЛПИ ИШЧИ КУЧИ, УНИНГ БАНДЛИГИ ВА ИШСИЗЛИК**

Ялпи ишчи қучининг ижтимоий-иктисодий мазмуни. Ишчи қучини такрор ҳосил қилиш. Ялпи ишчи қучининг миқдор ва сифат жиҳатдан аниқланиши. Нуфус қонуни. Ўзбекистонда социал-демографик жараёнларнинг хусусиятлари. ФТГнинг ишчи қучнинг сифат жиҳатдан такомиллашувига таъсири.

Ишчи қучнинг бандлиги ва унинг даражаси. Ишсизлик, унинг даражаси ва турлари. Ишсизлик тўғрисидаги турил хил назариялар. Ишсизликнинг иктиносидий ва ноиқтисодий оқибатлари. А. Оукеи қонуни. Ишсизлик ва инфляциянинг ўзаро боғлиқлиги. Филлипс эгри чизиги.

Ишчи қучнинг айрим соҳалардан бўшаши ва уни қайта тақсимлашнинг бозор механизми. Ишчи кучи бозори ва бандлик хизмати (Меҳнат биржалари). Ишчи кучига талаб ва таклиф ҳамда уни аниқловчи омиллар.

Ўзбекистонда ишчи куч бозорини шакллантириш ва тартибга солиш. Ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш.

## **21-мавзу. МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ**

Молиянинг моҳияти, роли ва вазифалари. Молиявий муносабатларнинг обьектлари ва субъектлари.

Молия тизими ва унинг бўғинлари. Давлат бюджети ва унинг молиявий ресурсларни шакллантиришдаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг тузилиши. Давлат бюджетиинг даромадлари ва харажатлари ҳамда унинг таркиби. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари, уларнинг иктиносидиётга таъсири.

Бозор иктиносидиёти шароитида солиқлар ва унинг вазифалари. Солиқ солиш тамойиллари ва солиқ турлари. Лаффер эгри чизиги. Ўзбекистонда солиқ тизимининг вужудта келиши. Бозор иктиносидиётига ўтиш шароитида суғурта ва унинг роли.

**Молиявий инқироз, унинг сабаблари, намоён бўлиш шакллари ва миллий иқтисодиётни молиявий соғломлаштириш йўллари.**

Бозор иқтисодиётига ўтишда давлатнинг молия сиёсати. Молиявий сиёсатнинг дастаклари: солиқлар, давлат сарф-харажатлари, даромадлар сиёсати. Молиявий ресурслар бозорини шакллантириш.

**Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ ва бюджет тизимини ислоҳ қилиш йўллари.**

## **22-мавзу. ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ИНФЛЯЦИЯ**

Пул муомаласи. Пул тизими ва унинг турлари. Пул муомаласи қонунлари. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омиллар. Пулнинг айланиш тезлиги. Пул миқдорини аниқлашга турлича ёндашувлар. Пул агрегатлари (таркибий қисмлари). Пул бозоридаги макроиқтисодий мувозанатлик.

Пул муомаласининг бузилиши. Инфляция, унинг сабаблари ва турлари (меъёрий, ўрмаловчи гиперинфляция). Ошкора ва яширин, кутилаётган ва кутилмаган инфляциялар. Инфляция даражаси ва суръати. Дефляция ва стагфляция. Инфляциянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Давлатнинг инфляцияга қарши сиёсати. Ўзбекистонда миллий пул бирлиги - сўмни барқарорлаштириш, вазифалари.

## **23-мавзу. КРЕДИТ- БАНК ТИЗИМИ ВА УНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ РОЛИ**

Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва турлари. Тижорат, банк, истеъмолчи, ипотека, давлат ва халқаро кредит. Кредит механизми, кредит ресурслари бозори.

Фоизли даромад. Фоиз ставкаси ва унинг даражасини аниқловчи омиллар.

Кредит- пул тизимини давлат томонидан тартибга солиш. Ўзбекистонда пул-кредит ислоҳотлари.

Банклар ва Ўзбекистон Республикасининг банк тизими. Бозор иқтисодиётида банкларнинг роли. Марказий банк ва унинг вазифалари. Тижорат банклари ва уларнинг вазифалари. Банк операциялари ва банк фойдасининг ҳосил бўлиши.

Банк тизимининг такомиллаштирилиши.

## **24-мавзу. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРТИБЛАНИШИ. ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РОЛИ**

Иқтисодиётни тартибга солишининг моҳияти ва зарурлиги. Иқтисодиётни тартибга солишининг классик, монетаристик, кейнсча назариялари.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишининг мақсади. Давлатнинг иқтисодий роли ва вазифалари: бозор муносабатлари қатнашчиларини хукуқий ҳимоялаш, рақобатчилик мухитини вужудга келтириш; ресурслар, маҳсулотлар ва даромадларни қайта тақсимлаш; иқтисодиётнинг ва пул муомаласининг барқарорлигини таъминлаш; ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солиш. Фан-техника тараққиёти, таркибий, ижтимоий ва регионал сиёсатни амалга оширишда давлатнинг роли. Иқтисодиётнинг давлат сектори ва унинг чегаралари.

Давлатнинг макроиқтисодиётни тартибга солишининг бевосита, билвосита усуслари ва шакллари. Давлат буюртмалари ва давлат харидлари.

Давлат томонидан молиялаштириш, субсидиялаш, дотациялаш ва трансферг тұловларини амалга ошириш механизми. Давлатнинг мақсадлы инвестициялари. Давлатнинг истиқболли дастанулары ва стратегик йұналышларининг башоратлари. Иқтисодиётга давлат аралашувининг чегаралари. Үтиш даврида давлатнинг бош вазифалари, уларнинг ислоҳотчи сифатида амал қылиши. Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг иқтисодий асосини мустақамлаш.

## **25-мавзу. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИ**

Ижтимоий адолатға. Ижтимоий — йұналтирилған бозор тизими шароитида ижтимоий адолат қоидаларининг ривожланиши. Жамиянинг ижтимоий-иқтисодий түзилиши. Жамият аъзоларининг даромадлари, мол-мұлкка әғалиги ва ижтимоий ахволи бүйіча фарклари. Лоренц әгри чизиги.

Аҳоли даромадлари, унинг тұрлари ва шаклланиш манбалари. Номинал ва реал даромад. Даромадларнинг табақаланыш сабаблари ва омыллари. Тұрмуш даражаси ва сифати. Тұрмуш даражаси ва қашшоқликнинг күрсаткычлари. Оила бюджети: даромадлари ва харажатлари таркиби.

Даромадларни давлат томонидан қайта тақсимлаш фояси, мақсади ва дастаклари. Ижтимоий фондлар, уларнинг роли, манбалари ва тузилиши. Ижтимоий тенглик.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг ижтимоий сиёсати. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: табақалаштирилган солиқ солиш, товон тўлаш сиёсати, ишсизлик бўйича нафақалар, хайр-эҳсон дастурлари.

## IV бўлим. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ

### 26-мавзу. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши, босқичлари ва асосий белгилари. Халқаро меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви. Иқтисодий ўзаро боғлиқликнинг ўсиши ва бевосита халқаро ишлаб чиқаришнинг шакланиши. Иқтисодиётнинг байналмилаллашуvida ФТТ ва трансмилий капиталнинг роли. Халқаро иқтисодий интеграция ва унинг турлари. Европа иқтисодий ҳамкорлиги ва унинг вазифалари. Марказий Осиё региони, МДХ — ягона иқтисодий макони ва бутун жаҳон хўжалигига уйғуналашиш тамойиллари.

Дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши бўйича табақаланиши; ривожланган, ўртача ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар. Янги халқаро иқтисодий тартиб. Халқаро иқтисодий ҳавфсизлик тизимининг яратилиши. Мамлакатлар ривожида миллий ва байналминал тамойиллар нисбати.

Ўзбекистонда очиқ турдаги иқтисодиётнинг яратилиши. Республикага чет эл капиталларини жалб қилиш. Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий алоқаларини эркинлаштириш. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига қўшилиши ва унинг йўналишлари.

### 27-мавзу. ЖАҲОН БОЗОРИ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ

Жаҳон бозори ва халқаро савдо. “Қиёсий устунлик” назарияси. Ташки савдо мультипликатори ва унинг макроиқтисодий мувозанатга таъсири. Тўлов баланси ва унинг таркиби. Савдо баланси. Жаҳон бозори баҳолари. Миллий ва халқаро бозорларнинг ўзаро боғлиқлиги. Протекционизм ва эркин савдо.

Божхона сиёсати. Жаҳон бозорини халқаро тартибга солиниши. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига фаол кириб бориши муаммолари.

Халқаро валюта тизими: олтин стандарт, олгин-валюта ва сузуб юрувчи валюта тизими. Халқаро валюта фондлари: Европа валюта иттифоқи — ЕВС, “Катта еттилик” келишуви. Минтақа валюта фондлари. Валюта бозори ва валюта курслари. Валюталарни конвертация қилиш. Олтиннинг халқаро бозори. Халқаро валюта ҳисоб-китоб бирликлари: миллий валюталар, Европа валюта бирлиги (ЕВРО). Тўлов баланси. Ташки қарз муоммалари. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистоннинг валюта муаммолари.

Суда капиталларининг жаҳон бозори. Халқаро кредит. Трансмиллий банкларнинг роли. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ). Еврокредит, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг вазифалари. Ўзбекистон Республикасининг халқаро банклар ва фондлар билан ҳамкорлиги, унинг ривожланиш истиқболлари.

### Асосий адабиёт

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон ўз истиқдол ва тараққиёт йўли». Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил.
3. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод ватан қолсин». Т., «Ўзбекистон» 1994 йил.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» Т., «Ўзбекистон» 1995 йил.
5. Каримов И.А. «Иқтисодий ислоҳот маъсулиятли босқич». Т., «Ўзбекистон» 1995 йил.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолати». Т., «Ўзбекистон» 1997 йил.
7. Каримов И.А. «Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ миллатни-миллат қилишга хизмат этиш». Т., «Ўзбекистон» 1998 йил.
8. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т., «Ўзбекистон» 1998 йил.
9. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Т., «Ўзбекистон» 1999 йил.

10. Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин вафаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз». Т., «Ўзбекистон» 2000 йил.
11. Каримов И.А. «Миллий истиқол мағкураси - ҳалқ ётиқоди ва буюк келажакка ишончdir». Т., «Ўзбекистон» 2000 йил.
12. Каримов И.А. «Иқтисодиётни эркинлашириш, ресурслардан тежамкорлик биланфойдаланиш - бош йўлими». «Халқ сўзи» 2002 йил 15-феврал.
13. Каримов И.А. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлашириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари». «Тошкент оқшоми» 2002йил 30-август.
14. Каримов И.А. «2002 йилда республикани ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Вазирлар маҳкамаси мажлисида қўйилган маърузаси «Халқ сўзи» 2003 йил 18 феврал.
15. Макконнел К., Брю С. «Экономикс». «Республика» 1992 йил.
16. Самуэльсон П. «Экономика». М., «Алгон» 1992 йил.
17. Пол Хейне «Экономический образ мышления». М., «Дело» 1997 йил.
18. Шишгин А.Ф. «Экономическая теория» учебник. М., «ВЛАДОС» 1996 йил.
19. Борисов И.Ф. «Экономическая теория» курс лекций. М., «ИНТЕРЭКО» 1996 йил.
20. Ўлмасов А. «Иқтисодиёт асослари». Т., «Меҳнат» 1997 йил.
21. Борисов Е.Ф. «Экономическая теория» учебник. М., «Юрист» 1997 йил.
22. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. «Экономика». М., «Дело» 1997 йил.
23. Ховард К., Журавлева Г., Эриашвили Н. «Экономическая теория» учебник. М., «Юнити» 1997 йил.
24. Боликоев В.З. «Общая экономическая теория» учебное пособие. Новосибирск «ЮКЭА» 1998 йил.
25. Абдурахмонов К. и др. «Экономическая теория» Учебник для студентов высших учебных заведений. Т., «Шарқ» 1999 й.
26. Грегори Мэнкью Н. «Принципы экономикс». Санкт-Петербург «Питер» 1999 йил.

27. Чепурина М.Н., Киселевой Е.А. «Курс экономической теории» учебник. Киров «АСА» 1999 йил.
28. Камаев В.Д. «Экономическая теория» учебник. М., «ВЛАДОС» 1999 йил.
29. Добрынин А.И., Тарасевич Л.С. «Экономическая теория» учебник. Санкт-Петербург «Питер» 2000йил.
30. Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. «Иқтисодиёт назарияси» Тошкент, «Молия» 2002 йил.

### **Қўшимча адабиёт**

1. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, 15-февраль 1991 йил.
2. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, 14-июль 1991 йил.
3. «Ижара тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1992 йил.
4. «Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, 3-июнь 1992 йил.
5. «Ер солиғи тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, 6-май 1993 йил.
6. «Ўзбекистон Республикаси Пул тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, 7-май 1993 йил.
7. «Аҳоли бандлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, 7-май 1993 йил.
8. «Валютани тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, 7-май 1993 йил.
9. «Қимматбаҳо қофозлар бозори тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, 3-сентябрь 1993 йил.
10. «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўллаб-куватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, 25-декабрь 1995 йил.
11. «Товар бозорларида рақобат ва монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, 27 декабрь 1996 йил.
12. «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида» (янги тахрири) Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2001 йил 29 август.
13. «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. «Халқ сўзи» 2002 йил. 22 январь.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. «Аҳолининг ижтимоий химояга мухтоҷ қатламларини ўник йўналтирилган тарзда қўллаб-куватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида». «Халқ сўзи» 2002 й. 26 январь.
15. Маршал А. «Принцип политической экономики» Т., «Прогресс» 1984 йил.
16. Шодмонов Ш., Фанихўжаева Ф. «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш». Т., «Меҳнат» 1993 йил.
17. Жўраев Т., Жўраев А. «Пул, капитал ва ҳазина мажбуриятлари бозори. Молия, кредит-банк тизими ва давлатнинг солиқ сиёсати». Т., 1994 йил.
18. Борисов Е.Ф. «Экономическая теория» М., «Знание» 1996 йил.
19. «Курс экономической теории» учебное пособие. М., «Дис» 1997 йил.
20. Андреев Б.Ф. «Системный курс экономической теории» учебное пособие. Санкт-Петербург, Лениздат, 1998 йил.
21. Николаева И.П. «Экономическая теория» учебник. М., «Кно Рус» 1998 йил.
22. Қодиров А. и др. «Экономическая теория» учебное пособие. ТГТУ Т. 1999 йил.
23. Базелер У., Савоб З., Хайнрих Й., Кох В. «Основы экономической теории: принципы, проблемы, политика» учебник. Санкт-Петербург «Питер» 2000 йил.

## **МУНДАРИЖА**

<b>1. Сўз боши.</b> .....	<b>3</b>
1.1. Фан мазмунига қўйиладиган малакавий талаблар. ....	3
2. Умумий тавсиф. ....	3
3. Ўқув материаларининг мазмуни. ....	5
4. Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти. ....	6

## **I бўлим. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ**

1-мавзу. Иқтисодиёт назарияси фанинг предмети ва билиш усуллари. ....	8
2-мавзу. Ишлаб чиқариш жараёни: мазмуни, омиллари ва натижалари. ....	9
3-мавзу. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари. ....	9

## **II бўлим. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ**

4-мавзу. Товар-пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг асосидир. ....	10
5-мавзу. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари. Бозор ва унинг тузилиши. ....	11
6-мавзу. Бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва хусусиятлари.	11
7-мавзу. Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати. ....	12
8-мавзу. Рақобат ва нархнинг шаклланиши. ....	12
9-мавзу. Таџбиркорлик фаолияти ва унинг шакллари. ....	13
10-мавзу. Таџбиркорлик капитали ва унинг айланиши. ....	13
11-мавзу. Корхона (фирма) сарф-харажатлари ва фойдаси. ....	13
12-мавзу. Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари. ....	14
13-мавзу. Агар муносабатлар ва агробизнес. ....	14

## **III бўлим. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ (МАКРОИҚТИСОД)НИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

14-мавзу. Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари. ....	15
---	----

15-мавзу. Ялпи талаб ва ялпи таклиф. ....	15
16-мавзу. Истеъмол, жамгарма ва инвестициялар. ....	16
17-мавзу. Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик. ....	16
18-мавзу. Миллий иқтисодиётнинг нисбатлари ва мувозанати	17
19-мавзу. Иқтисодиётнинг цикллiği ва макроиқтисодий бекарорлик. ....	17
20-мавзу. Ялпи ишчи кучи, унинг баңдлиги ва ишсизлик ..	18
21-мавзу. Молия тизими ва молиявий сиёсат. ....	18
22-мавзу. Пул муомаласи ва инфляция. ....	19
23-мавзу. Кредит-банк тизими ва унинг бозор иқтисодиётидаги роли. ....	19
24-мавзу. Бозор иқтисодиётининг тартибланиши. Давлатнинг иқтисодий роли. ....	20
25-мавзу. Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати. ....	20

#### **IV бўлим. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ**

26-мавзу. Жаҳон хўжалиги ва унинг эволюцияси. ....	21
27-мавзу. Жаҳон бозори. Xалқаро валюта ва кредит муносабатлари. ....	21
Асосий адабиёт. ....	22
Кўшимча адабиёт. ....	24

**Мұхаррир**

*З. Т. Тоҳиров*

Босишига рухсат этилди 22.09.2004 й. Формати 60x84<sup>1/16</sup>.  
«TimesUZ» қарғыда төрилди. Босма табоги 1,75. Нашриёт  
хисоб табоги 1,66. Адади 1000. Буюртма №108.

Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasida чоп этилди.  
Тошкент ш. Олмазор күч. 171 уй.